


I. ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ


1-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТИ

2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича
ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)¹

2024 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЯИМи ҳажми жорий нархларда 1 454 573,9 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,5 % га ўсди. ЯИМ дефлятор индекси 2023 йилдаги нархларга нисбатан 113,3 % ни ташкил этди.



2020-2024 йилларда ЯИМнинг
дефлятор индекси
(ўтган йилга нисбатан % да)



✓ **Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган Миллий ҳисоблар тизими (МҲТ)нинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

✓ **ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати)** доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМ (реал ЯИМ)ни жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМига нисбати орқали ҳисобланади.


¹Бу ерда ва кейинги ўринларда 2020-2024 йиллар учун норасмий ва яширин иқтисодиётни статистик баҳолаш бўйича ўтказилган кузатувлар натижаларини қўшган ҳолда аниқлик киритилган маълумотлар келтирилган.

2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ
(жорий нархларда, трлн сўм)

Йиллар	Товарлар ишлаб чиқариш	Хизматлар соҳаси	Маҳсулотларга соф солиқлар
2020	364,4	259,2	44,4
2021	447,6	320,9	52,0
2022	522,2	413,6	59,8
2023	616,6	529,4	58,5
2024	729,3	657,3	68,0


2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси ЯИМи
(млрд АҚШ долларида)

Жорий даврда ўртача алмашув курси бўйича ҳисобланган номинал ЯИМ ҳажми 114 962,0 млн АҚШ долларини ташкил этди.







✓ **Маълумот учун:** 2024 йилда АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўртача расмий курси 12 652,7 сўм, 2023 йилда 11 737,2 сўм, 2022 йилда 11 051,2 сўм, 2021 йилда 10 610,0 сўм, 2020 йилда 10 055,8 сўмга тенг бўлган.

2020-2024 йилларда ЯИМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



Йиллар




Йиллар

2024 йилда ЯИМ ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи 0,6 ф.п., саноат тармоғи – 1,7 ф.п., қурилиш тармоғи – 0,6 ф.п. ва хизмат кўрсатиш тармоғи – 3,3 ф.п. ижобий ҳисса қўшди. Маҳсулотларга соф солиқларнинг ўсиши ҳисобига ЯИМ 0,3 ф.п. га кўпайди.

Иқтисодиётнинг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ умумий ҳажмининг 95,3 % ини ташкил этди ва 6,6 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири 6,2 фоиз пунктни ташкил этди). Маҳсулотларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 4,7 % ни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,0 % га ўсди (ЯИМ мутлақ ўсишига таъсири – 0,3 ф.п.).

2020-2024 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯИМ таркиби
(жамига нисбатан % да)



2024 йил якунларига кўра, ЯИМ таркибида катта бўлмаган ўзгаришлар кузатилди. ЯИМ (ЯҚҚ) таркибида хизматлар соҳасининг улуши 46,2 % дан 47,4 % га, саноатнинг улуши 25,3 % дан 26,4 % га ошди.

Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг улуши 21,2 % дан 19,2 % га ҳамда қурилиш тармоғининг улуши 7,3 % дан 7,0 % га камайди.

2020-2024 йилларда аҳоли жон бошига ЯИМ

(жорий нархларда, минг сўм)



Маълумот

учун:


Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ўртача сони 2020 йилда 34 232,1 минг киши, 2021 йилда 34 915,1 минг киши, 2022 йилда 35 648,1 минг киши, 2023 йилда 36 412,4 минг киши ва 2024 йилда 37 171,5 минг кишини ташкил этган.

2024 йилда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМ ҳажми жорий нархларда 39 131,4 минг сўмни (ёки 3 092,7 АҚШ доллари эквивалентида) ташкил этди.

2020-2024 йилларда аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш

(камайтиш) суръатлари

(ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)




Юқорида келтирилган диаграммадан кўриниб турганидек, 2024 йилда аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмининг реал ўсиши 2023 йилга нисбатан 4,4 % ни, 2020 йилга нисбатан эса 19,5 % ни ташкил этди.



Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ) муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

2020-2024 йилларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг
ялпи қўшилган қиймати



■ Ҳажми, млрд сўм — Ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан % да


2024 йил якунларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 266 565,0 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 3,1 % га ўсди. Ушбу тармоқда 2023 йилда 4,1 %, 2022 йилда – 3,6 %, 2021 йилда – 4,0 %, 2020 йилда – 2,9 % даражасида ижобий ўсиш қайд этилди.

Кузатилаётган даврда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида норасмий иқтисодиётда яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 169 526,7 млрд сўмни, унинг ушбу тармоқ ялпи қўшилган қийматидаги улуши 63,6 % ни ташкил этди.

✓ **Маълумот учун:** 2024 йилда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг умумий ҳажми 467 041,5 млрд сўмни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари умумий ҳажмининг 96,6 % и – деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар, 2,5 % и – ўрмон хўжалиги, 0,9 % и – балиқчилик хўжалиги ҳиссасига тўғри келди.

2024 йил якунларига кўра, ушбу тармоқдаги ижобий ўсиш суръатлари деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларнинг 3,1 % га ва ўрмон хўжалиги – 3,0 % га ўсиши билан боғлиқ.

2020-2024 йилларда саноат тармоғининг ялпи қўшилган қиймати




2024 йил якунларига кўра, саноат тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 365 894,6 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,8 % га ўсиш кузатилди.


Ушбу тармоқдаги ижобий динамика, асосан тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш тармоғининг қўшилган қиймати 1,9 % га, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) саноатнинг 7,7 % га, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш тармоғининг 5,4 % га ҳамда сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш тармоғининг 5,6 % га ижобий ўсиши ҳисобига таъминланди.

2024 йил якунларига кўра, саноат тармоғида норасмий ва яширин иқтисодиётда 32 737,8 млрд сўм ялпи қўшилган қиймат яратилган бўлиб, унинг ушбу тармоқ ялпи қўшилган қийматидаги улуши 8,9 % ни ташкил этди.


2020-2024 йилларда саноат тармоғининг
ялпи қўшилган қиймати динамикаси



2020-2024 йилларда саноат тармоғининг
ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан % да)



2020-2024 йилларда қурилиш тармоғининг ялпи қўшилган қиймати



2024 йил якунларига кўра, қурилиш тармоғида яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми 96 801,9 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда қурилиш ишлари ҳажми 8,8 % га ўсди.

Жумладан, ўсиш суръатлари бино ва иншоотлар қурилишида 105,5 % ни, фуқаролик объектлари қурилишида 124,7 % ни ва ихтисослаштирилган қурилиш ишларида 106,4 % ни ташкил этди.


Кузатилаётган даврда қурилиш тармоғида норасмий ва яширин иқтисодиётда 39 967,1 млрд сўм ялпи қўшилган қиймат яратилган бўлиб, унинг ушбу тармоқ ялпи қўшилган қийматидаги улуши 41,3 % ни ташкил этди.

✓ **Маълумот учун:** 2024 йилда қурилиш ишлари ҳажми 233 832,9 млрд сўмни ташкил этди. Қурилиш ишларининг умумий ҳажмида йирик қурилиш ташкилотларининг улуши 23,6 %, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг улуши 46,2 %, жисмоний шахсларнинг улуши 30,2 % ни ташкил этди.


2020-2024 йилларда қурилиш
тармоғининг ялпи қўшилган
қиймати ҳажми
(млрд сўм)

2020-2024 йилларда қурилиш
тармоғининг ялпи қўшилган
қиймати таркиби
(жамига нисбатан % да)







Йиллар Бинолар ва иншоотлар қуриш



Йиллар Фуқаролик объектларини қуриш




Йиллар Ихтисослаштирилган қурилиш
ишлари



- Бинолар ва иншоотлар қуриш
- Фуқаролик объектларини қуриш
- Ихтисослаштирилган қурилиш ишлари


2020-2024 йилларда хизматлар соҳасининг
ялпи қўшилган қиймати




■ Ҳажми, млрд сўм —○— Ўсиш (камайиш) суръати, ўтган йилга нисбатан % да

2024 йил якунларига кўра, хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 657 348,5 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан 7,7 % га ўсди. Шу жумладан, савдо хизматлари 11,5 % га, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 10,7 % га, ташиш ва сақлаш хизматлари 8,5 % га, ахборот ва алоқа хизматлари 24,7 % га, бошқа хизматлар 4,5 % га ўсди.


2020-2024 йилларда хизматлар соҳасининг
ялпи қўшилган қиймати таркиби
(жамига нисбатан % да)



2020-2024 йилларда савдо тармоғининг
ялпи қўшилган қиймати




2020-2024 йилларда савдо тармоғининг
ялпи қўшилган қиймати таркиби динамикаси
(жамига нисбатан % да)



2024 йилда савдо тармоғининг ялпи қўшилган қиймати таркибида энг катта улуши чакана савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)га тўғри келди ва 56,1 % ни ташкил этди. Улгуржи савдо (автотранспорт воситалари савдосидан ташқари)нинг улуши 30,9 % ни, автотранспорт воситаларининг улгуржи ва чакана савдоси ҳамда уларни таъмирлашнинг улуши 13,0 % ни ташкил қилди.

2020-2024 йилларда ташиш ва сақлаш тармоғининг
ялпи қўшилган қиймати



■ Ҳажми, млрд сўм —○— Ўсиш (камайиш) суръати, ўтган йилга нисбатан % да


2024 йил якунларига кўра, ташиш ва сақлаш тармоғининг Ўзбекистон Республикаси ЯИИДаги улуши 5,4 % ни ташкил этди.

Ташиш ва сақлаш тармоғининг қўшилган қиймати таркибида энг кўп улуши автомобил транспортига тўғри келди ва 55,7 % ни ташкил этди. Мазкур тармоқ умумий қўшилган қийматида қувур транспортининг улуши 13,4 %, темир йўл транспортининг улуши 8,4 %, ёрдамчи транспорт фаолиятининг улуши 14,9 %, ҳаво транспортининг улуши 7,6 % ни ташкил этди.


2020-2024 йилларда ташиш ва сақлаш тармоғи
қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)



2020-2024 йилларда ахборот ва алоқа тармоғининг
ялпи қўшилган қиймати




2020-2024 йилларда ахборот ва алоқа тармоғининг
ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)



2024 йилда ахборот ва алоқа тармоғининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 2,7 % ни ташкил этди. Мазкур тармоқ ялпи қўшилган қиймати таркибида асосий улуш алоқа хизматларига (симли ва мобиль алоқа хизматлари, интернет тармоғи ва бошқаларга) тўғри келди ва 35,0 % ни ташкил этди. Тармоқда яратилган ялпи қўшилган қийматнинг қолган 65,0 фоизи ахборот ва алоқанинг бошқа тармоқлари (нашриёт фаолияти, компьютер дастурлаштириш соҳасидаги фаолият, дастурлар яратиш бўйича фаолият, телекўрсатув ва радио-эшиттириш в.б.) ҳиссасига тўғри келди.


2022-2024 йилларда АКТ хизматларининг
ялпи қўшилган қиймати



2024 йилда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) хизматларининг мамлакат иқтисодиётидаги улуши 2,4 % ни ташкил этди.

Тармоқда яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажмининг 38,2 фоизи алоқа хизматлари, 43,3 фоизи компьютер дастурлаштириш, маслаҳат бериш ва бошқа ёрдамчи хизматлар, 9,6 фоизи маълумотларни жойлаштириш ва ишлов бериш бўйича хизматлар, Веб-порталлар, 5,5 фоизи дастурий таъминотни чиқариш, қолган 3,4 фоизи компьютерлар ва алоқа ускуналарини таъмирлаш хизматлари ҳиссасига тўғри келган.


2024 йилда кичик тадбиркорлик (бизнес)да яратилган
ялпи қўшилган қиймат



2024 йил якунлари бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан 753 226,9 млрд сўм миқдорида қўшилган қиймат ёки иқтисодиётдаги ялпи қўшилган қийматнинг 54,3 % и яратилган. Шундан 33,9 % и қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, 12,6 % и саноат, 10,1 % и қурилиш тармоқлари ва 43,4 % и хизматлар соҳасига тўғри келди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари улуши иқтисодиётнинг асосий тармоқлари бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 95,8 %, қурилишда 78,4 %, хизматлар соҳасида 49,8 % ва саноатда 25,9 % ни ташкил этди.

2024 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича
кузатилмайдиган иқтисодиёт



2024 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасида кузатилмайдиган (норасмий ва яширин) иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 505 650,1 млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 34,8 % ни ташкил этди.

Шундан норасмий иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми 383 643,7 млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 26,4 % ни ташкил этди. Яширин иқтисодиётнинг ялпи қўшилган қиймати ҳажми эса 122 006,5 млрд сўмни ва унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 8,4 % ни ташкил этди.

2024 йилда кузатилмайдиган иқтисодиётнинг тармоқлар бўйича таркиби
(жамига нисбатан % да)



2024 йилда норасмий ва яширин иқтисодиёт ҳажмининг тармоқлар бўйича таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 63,6 % ни, қурилиш 41,3 % ни, хизматлар соҳаси 40,1 % ни ва саноат 8,9 % ни ташкил этган.


- ✓ **Кузатилмайдиган иқтисодиёт** – доимий статистика кузатувларида тўлиқ ёки билвосита усуллар орқали баҳоланадиган иқтисодий фаолият турлари.
- ✓ **Норасмий иқтисодиёт** – уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ иқтисодий фаолият.
- ✓ **Яширин иқтисодиёт** – қонун билан ман этилмаган, аммо солиққа тортилмаслик ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик мақсадида давлат органларидан атайлаб беркитилган иқтисодий фаолият.

2-БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Статистика дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги томонидан 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ялпи ҳудудий маҳсулотни дастлабки баҳолаш ишлари амалга оширилди.

✓ **Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент-институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

2024 йилда ЯИМни шакллантиришда ҳудудларнинг иштироки²
(жамига нисбатан % да)



2024 йилда республика бўйича ЯИМнинг шаклланишида Тошкент шаҳри 19,3 % улуш билан энг катта ҳисса кўшди. Тошкент ва Навоий вилоятлари 10,1 % ва 8,1 % кўрсаткичлари билан кейинги ўринларни эгаллаб турибди. Республика ЯИМини шакллантиришда энг кам улуш Сирдарё (1,9 %), Жиззах (3,0 %) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига (3,1 %) тўғри келган.

²Ҳудудлар бўйича тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2024 йилда Қорақалпоғистон Республикасида ЯҲМ ҳажми 6,3 % га ўсди ва 45 658,5 млрд сўмни ташкил этди. Қуйидаги асосий тармоқларда ижобий иқтисодий ўсиш кузатилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,6 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 23,5 %), саноатда 106,8 % (20,5 %), қурилишда 107,4 % (8,0 %) ва хизматлар соҳасида 107,3 % (48,0 %). Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,9 % га ошди ва 22 645,8 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)

Йиллар	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
2024	45 658,5	10 445,7	9 100,9
2023	39 166,2	9 479,9	7 523,4
2022	35 541,6	8 252,5	7 133,4

Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	3 560,1	21 337,5	1 214,3
2023	3 120,3	17 460,2	1 582,4
2022	3 088,9	14 708,0	2 358,8


2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш (камайиш) суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Андижон вилоятида ЯҲМ ҳажми жорий нархларда 90 522,1 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,6 % га ўсди. Куйидаги асосий тармоқларда ижобий ўсиш кузатилди: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 31,0 %), саноатда 107,3 % (28,8 %), қурилишда 111,0 % (5,9 %) ва хизматлар соҳасида 108,6 % (34,3 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 26 409,0 минг сўмни ташкил этди ва 2023 йилга нисбатан 4,4 % га ўсди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
Йиллар			
2024	90 522,1	26 942,4	25 030,3
2023	77 337,9	24 863,1	20 775,4
2022	62 981,4	21 653,7	14 534,5
Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	5 102,4	29 939,3	3 507,7
2023	4 240,8	24 889,8	2 568,8
2022	4 099,8	20 437,9	2 255,5

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



БУХОРО ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Бухоро вилоятида ЯҲМ 71 560,4 млрд сўми ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,6 % га ўсди. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 102,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 35,0 %), саноатда 106,4 % (19,9 %), қурилишда 114,9 % (9,9 %) ва хизматларда 108,6 % (35,2 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,8 % га ўсди ва 34 729,6 минг сўми ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)

Йиллар	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
2024	71 560,4	24 460,8	13 906,3
2023	61 242,6	22 148,2	11 315,0
2022	51 728,0	19 430,1	8 645,8

Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	6 902,5	24 698,8	1 592,0
2023	5 642,1	20 059,5	2 077,8
2022	4 960,1	16 657,2	2 034,8

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



■ Ҳажми, минг сўм ● Ўсиш суръати, % да


2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Жиззах вилоятида ЯҲМ ҳажми 5,3 % га ўсди ва 43 057,9 млрд сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг тармоқлар таркибида ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 101,3 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 40,5 %), саноатда 107,2 % (17,3 %), қурилишда 107,8 % (6,2 %) ва хизматлар соҳасида 109,0 % (36,0 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 3,1 % га ўсди ва 28 281,0 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)


Йиллар	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
2024	43 057,9	17 083,9	7 284,9
2023	37 383,2	15 766,0	6 042,8
2022	30 367,0	13 948,6	3 983,6

Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	2 616,0	15 148,4	924,7
2023	2 325,8	12 256,0	992,6
2022	2 062,8	9 659,7	712,3

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Қашқадарё вилоятида ЯХМ ҳажми 80 658,3 млрд сўми ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 6,5 % га ўсди. ЯХМнинг тармоқлар таркибида ижобий ўсиш суръатлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104,2 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 32,7 %), саноатда 108,0 % (17,7 %), қурилишда 112,1 % (8,0 %) ва хизматлар соҳасида 106,8 % (41,6 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯХМ 4,2 % га ўсди ва 22 405,1 минг сўми ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯХМ ҳажми (млрд сўм)


Йиллар	ЯХМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
2024	80 658,3	25 483,0	13 776,4
2023	68 648,6	23 010,4	11 139,8
2022	57 629,1	19 642,6	9 134,1

Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	6 256,5	32 517,7	2 624,7
2023	5 411,7	26 942,9	2 143,8
2022	4 394,9	22 200,7	2 256,8

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларда ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Навоий вилоятида ЯХМ ҳажми 117 297,8 млрд сўмга етди ва ўсиш 7,7 % ни ташкил этди. ЯХМнинг ўсиши ҳудуд иқтисодиёти тармоқларидаги ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Ўсиш суръатлари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,8 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 10,7 %), саноатда 108,2 % (72,1 %), қурилишда 113,9 % (4,2 %) ва хизматларда 106,9 % (13,0 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 5,8 % га ўсди ва 108 108,6 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯХМ ҳажми (млрд сўм)

Йиллар	ЯХМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
2024	117 297,8	12 397,2	83 643,8
2023	88 215,4	11 310,8	59 596,9
2022	71 994,1	9 369,1	48 001,3
Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	4 929,9	15 108,7	1 218,3
2023	4 054,5	12 175,7	1 077,5
2022	3 478,4	9 904,5	1 240,8

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларда ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йиллар ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



2022 йил 2023 йил 2024 йил

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Наманган вилоятида ЯХМ 68 915,7 млрд сўми ташкил этди, бу эса 2023 йил маълумотларига нисбатан 7,6 % га кўпдир. ЯХМнинг ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104,3 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 29,8 %), саноатда 108,3 % (16,7 %), қурилишда 112,8 % (8,0 %) ва хизматлар соҳасида 108,8 % (45,5 %) кузатишган ижобий ўсиш суръатлари билан боғлиқдир. Аҳоли жон бошига ЯХМ 5,3 % га ўсди ва 22 238,7 минг сўми ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯХМ ҳажми (млрд сўм)

Йиллар	ЯХМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
2024	68 915,7	20 206,1	11 294,3
2023	58 173,7	18 605,4	8 659,5
2022	48 513,7	15 927,3	6 574,5

Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	5 393,3	30 923,7	1 098,2
2023	4 562,3	25 338,1	1 008,4
2022	4 156,7	20 636,9	1 218,3

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларда ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯҲМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯҲМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Самарқанд вилоятида ЯҲМ ҳажми 99 866,1 млрд сўмни ташкил этди ва бу эса 2023 йилнинг маълумотларига нисбатан 6,9 % га кўпдир. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 102,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 32,5 %), саноатда 107,6 % (16,7 %), қурилишда 111,7 % (5,9 %) ва хизматлар соҳасида 109,2 % (44,9 %) ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,6 % га кўпайди ва 23 481,3 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)

Йиллар	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
2024	99 866,1	31 921,8	16 413,3
2023	83 149,5	28 342,3	12 722,0
2022	68 988,6	23 643,8	10 729,2

Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	5 766,0	44 195,1	1 569,9
2023	5 101,6	35 594,4	1 389,2
2022	4 412,1	28 629,4	1 574,1

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Сурхондарё вилоятида ЯҲМ 5,9 % га ўсди ва 54 354,1 млрд сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,2 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 39,1 %), саноатда 108,9 % (9,6 %), қурилишда 108,8 % (9,4 %) ва хизматлар соҳасида 107,4 % (41,9 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари таъсир қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 18 670,0 минг сўмни ташкил этди ва 3,4 % га ўсди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)

Йиллар	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
2024	54 354,1	20 911,5	5 139,5
2023	46 999,2	19 166,8	3 730,4
2022	39 201,8	15 934,1	2 810,8

Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	5 040,7	22 413,5	848,9
2023	4 557,6	18 575,8	968,6
2022	4 051,8	15 510,9	894,2

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Сирдарё вилоятида ЯҲМ ҳажми 28 003,3 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йилнинг маълумотлари билан таққослаганда 4,5 % га кўпайди. ЯҲМнинг ўсишига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 101,7 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 32,6 %), саноатда 106,9 % (27,3 %), қурилишда 100,3 % (7,6 %) ва хизматлар соҳасида 106,9 % (32,5 %) кузатилган ижобий ўсиш суръатлари таъсир қилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 30 359,2 минг сўмни ташкил этди ва 2,6 % га ўсди.


2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)

ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат	
Йиллар			
2024	28 003,3	8 943,7	7 491,9
2023	24 001,7	8 098,1	6 129,0
2022	20 155,6	7 129,3	4 542,5
Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	2 084,4	8 935,2	548,1
2023	1 938,6	7 343,6	492,4
2022	1 703,8	6 184,1	595,9

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМнинг ўсиш (камайиш) суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Тошкент вилоятида ЯҲМ 6,7 % га ўсган ҳолда 146 385,2 млрд сўмни ташкил этди. Ушбу ҳудудда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 101,5 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 17,7 %), саноатда 106,9 % (44,5 %), қурилишда 110,1 % (7,2 %) ва хизматлар соҳасида 109,3 % (30,6 %) ижобий ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 2023 йилга нисбатан 4,7 % га ўсди ва 47 526,1 минг сўмни ташкил этди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)

	ЯҲМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
Йиллар			
2024	146 385,2	25 006,6	62 904,4
2023	121 442,6	23 284,3	52 017,3
2022	103 244,8	20 055,8	45 316,9
	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
Йиллар			
2024	10 114,9	43 405,8	4 953,5
2023	8 419,2	33 805,9	3 915,9
2022	7 120,7	27 104,9	3 646,5

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Фарғона вилоятида ЯХМ ҳажми 6,8 % га ўсди ва 91 333,0 млрд сўмни ташкил этди. Ўсиш суръати қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 104,9 % (ЯХМ таркибидаги улуши – 28,2 %), саноатда 107,6 % (19,8 %), қурилишда 108,5 % (7,3 %) ва хизматлар соҳасида 107,3 % (44,7 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯХМ 4,6 % га ўсди ва 22 259,5 минг сўмни ташкил этди.


2022-2024 йилларда ЯХМ ҳажми (млрд сўм)

	ЯХМ	Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	Саноат
Йиллар			
2024	91 333,0	25 223,6	17 731,3
2023	78 009,0	22 665,4	14 768,1
2022	65 516,9	19 474,8	11 965,0
Йиллар	Қурилиш	Хизматлар	Маҳсулотларга соф солиқлар
2024	6 573,0	40 059,5	1 745,6
2023	5 845,2	33 109,6	1 620,7
2022	5 089,6	27 233,1	1 754,4


2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ ҳажми ва ўсиш суръатлари



2022-2024 йилларда ЯХМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Хоразм вилоятида ЯҲМ ҳажми 6,4 % га ўсди ва 51 261,0 млрд сўмни ташкил этди. ЯҲМнинг ўсиши қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 103,0 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 34,8 %), саноатда 108,2 % (16,0 %), қурилишда 111,4 % (8,9 %) ва хизматлар соҳасида 107,8 % (40,3 %)ни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 4,4 % га ўсди ва 25 452,4 минг сўмни ташкил этди.


2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)

ЯҲМ			Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги		Саноат	
Йиллар						
2024	51 261,0		17 538,7		8 061,0	
2023	43 666,7		16 175,7		6 439,0	
2022	37 474,3		14 347,7		5 525,3	
Йиллар	Қурилиш	Хизматлар		Маҳсулотларга соф солиқлар		
2024	4 470,1		20 261,7		929,5	
2023	3 640,7		16 494,7		916,6	
2022	3 001,8		13 532,1		1 067,4	

2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)




2022-2024 йилларда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)




ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТИ

Тошкент шаҳрида ЯҲМ ҳажми 281 147,4 млрд сўмни ташкил этди ва 2023 йил билан таққослаганда 10,4 % га ўсди. Саноат тармоғида 108,1 % (ЯҲМ таркибидаги улуши – 27,8 %), қурилишда 109,9 % (9,2 %) ва хизматлар соҳасида 111,5 % (63,0 %) ўсиш суръатлари кузатилди. Аҳоли жон бошига ЯҲМ 91 376,6 минг сўмни ташкил этди ва 7,6 % га ўсди.

2022-2024 йилларда ЯҲМ ҳажми (млрд сўм)




2022-2024 йилларда аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ ҳажми ва ўсиш суръатлари




■ Ҳажми, минг сўм
● Ўсиш суръати, % да


2022-2024 йилларда ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби (ЯҚҚга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМнинг ўсиш суръатлари
(ўтган йилга нисбатан % да)



2022-2024 йилларда ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси
(жамига нисбатан % да)



Статистик кўрсаткичларга изоҳлар

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МХТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир.

Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ) миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент - институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди.

Аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯХМ) муайян даврда жорий нархлардаги ЯИМ (ЯХМ) ҳажмини мамлакат (ҳудуд)нинг ўртача аҳолиси сонига бўлиш орқали аниқланади.

Ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

Маҳсулотларга солиқлар – товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга қўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради.

Маҳсулотларга субсидиялар – давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар).

Маҳсулотларга соф солиқлар маҳсулотларга солиқлардан маҳсулотларга субсидияларни айлантириш орқали аниқланади.

ЯИМ физик ҳажм индекси (ўсиш суръати) доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМ (реал ЯИМ)ни жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

ЯИМ дефлятор индекси иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМ (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ)нинг реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

Кузатилмайдиган иқтисодиёт – доимий статистика кузатувларида тўлиқ ёки билвосита усуллар орқали баҳоланадиган иқтисодий фаолият турлари.

Норасмий иқтисодиёт – уй хўжаликлари ёки жисмоний шахслар томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмаган ҳолда амалга ошириладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Яширин иқтисодиёт – қонун билан ман этилмаган, аммо солиққа тортилмаслик ва қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик мақсадида давлат органларидан атайлаб беркитилган иқтисодий фаолият.